

Шўро даври ўзбек адабиётининг таникли намояндаларидан бири шоир ва носир, драматург Шухрат (Гулом Алимов) 1918 йили Тошкентда хунарманд оиласида туғилди. Ўрта мактабни тугатгач, Тошкент Давлат педагогика институтида тахсил кўрди (1936-1940). Аммо Шухратнинг хаёти ва фаолияти анча серташвиш ва нотекис кечди.

Ўша 1937 йилги машъум катагонлик шамоли ёш Шухратни хам четлаб ўтмади. Унга «Отангиз савдогарлик килган экан. Ўзингиз косибдан чикмаган экансиз, хотинингиз эскича, жиякли лозим билан атлас кўйлак кийиб юрибди. Болангиз эса бешикда ётибди. Якинда хатна килар экансиз, туриш-турмушингиз эскича. Бу нарса шеърларингизда хам акс этиб турибди, деб союздан хайдашади («Ёшлиқ», 4, 1988, 50-бет). Иккинчи бор 50-йиллар бошида «Усмон Носирнинг пропагандистиъ Абдулла Кодирий билан Чўлпон китобларини ўқиган ва тарғиб килган»ликда айбланиб беш йил «Сибиру Шимолий Козогистондаги камокхоналарда ўтириб» келади. «Жаннат кидирғанлар» (1968) романи нашр этилгач, яна ташвиш устига ташвиш келади. Устози Абдулла Каххор туфайли хам бир бор туртки еди. Шуларнинг хаммаси унинг соглигига путур етказди.

Шоир Ёзувчилар уюшмасининг маслаҳатхонасида, нашриётда муҳаррир бўлиб ишлади.

Ўз ижодини (1935) шеърлар ёзиш билан бошлаган Шухратнинг «Истак ва ўч» (1940) поемаси босилди.

1940 йил кузида харбий хизматга чакирилган Шухрат Улуг Ватан уруши жангларида оғитсер лавозимида душманга карши мардонавор жанг килиш билан бирга каламини немис-фашист боскинчиларига карши каратди. Кейинчалик бу давр «Шинелли йиллар» романининг яратилишига асос бўлди.

Урушдан сўнг республика рўзнома ва ойномаларида адабий ходим бўлиб ишлаган шоирнинг шарафли меҳнатни мадх килувчи «Хаёт нафаси» (1947), «Кардошлар» (1950) шеърий тўпламлари китобхонларга янги тортиқ бўлди.

Ёш авлоднинг ахлок-одоби, меҳнатсеварлиги, ватан мудофааси каҳрамонликларини, озодлик ва тинчлик учун курашган ота-боболарга муносиб ворислар бўлиб етишишларини ифтихор билан тасвирловчи «Бизнинг кўча», «Балогат» (1957-1958), «Кудук» (1973) асарлари яратилди. Адибнинг «Сенинг севгинг» (1961), «Ишқингда ёниб» (1964) лирик китоблари, «Кавказ дафтари», «Киз табассуми», «Буюк мухаббат» каби шеърий туркумлари, балладаларида ватан ва инсон, севги ва мухаббат, кадр ва киммат, меҳнат ва меҳнатсеварлик улугланади.

Хаётий воеаларни кенг кўламда тасвирлаш эҳтиёжи ижодкорни роман жанрига ундали. Улуг Ватан уруши фронтларида орттирган катта хаётий тажрибалари асосида халқимизнинг жанговар хаёти, каҳрамонлиги, ватанпарварлиги, кийинчиликларга бардошлилиги, келажакка умид ва буюк галаба хакида хикоя килувчи «Шинелли йиллар» (1947—1957) асарини яратди.

Шоир ва адиб Шухрат хам катагонлик даврининг иккинчи тўлкини маънавий курбонлари М. Шайхзода, С Ахмад, Шукрулло каби адолатсизлик зулмини тортган, хурфикарлилиги туфайли Шўро хокимияти хибсхоналари жабрини чеккан.

Шухратнинг «Олтин зангламас» (1967) асарида маърифат сохиби — ўқитувчи деган шарафли касб улугланса, «Жаннат кидирганлар» (1968) романида ватангадолик фожеалари бадиий ифодасини топган. Шоирнинг хаёт хакидаги фалсафий мулоҳазалари ифодаланган шеър ва тўртликлардан иборат «Лирика» (1973) тўплами, «Беш кунлик қуёв», «Қўша каринглар» комедиялари санъаткорнинг ўзбек адабиёти ривожига кўшган хиссаси бўлди. Унинг қўпгина асарлари кардош халклар ва хорижий тилларга таржима килинган. У Ўзбекистон халк ёзувчисидир.